

Махмудов Н.М.,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
«Макроиқтисодиёт» кафедраси профессори,
иқтисод фанлари доктори;

Ҳакимов Ҳ.А.,

Тошкент давлат иқтисодиёт
университети магистранти

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МОДЕЛЛАРИ ВА УЛАРДАН МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛДА ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**МАХМУДОВ Н.М., ҲАКИМОВ Ҳ.А. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МОДЕЛЛАРИ ВА УЛАРДАН
МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛДА ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Мақолада иқтисодий ўсиш масалалари муҳокама қилинган. Иқтисодий ўсишнинг класик, неоклассик ва замонавий моделлари ўзаро қиёсланган. Ўзбекистонда мазкур моделлардан фойдаланиш тажрибаси ва имкониятлари ёритилган, мамлакатимизда эришилган барқарор иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Таянч иборалар: иқтисодий ўсиш моделлари, эндоген ўсиш, ялпи ички маҳсулот, ташқи қарз, макроиқтисодий барқарорлик.

**МАХМУДОВ Н.М., ҲАКИМОВ Ҳ.А. МОДЕЛИ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА И
НАПРАВЛЕНИЯ ИХ ПРИМЕНЕНИЯ В МАКРОЭКОНОМИЧЕСКОМ АНАЛИЗЕ**

В статье обсуждены вопросы экономического роста. Сопоставлены классические, неоклассические и современные модели экономического роста. Освещены возможности и опыт использования данных моделей в Узбекистане и проанализированы показатели экономического роста в стране.

Ключевые слова: модели экономического роста, эндогенный рост, валовый внутренний продукт, внешний долг, макроэкономическая стабильность.

**МАХМУДОВ Н.М., ҲАКИМОВ Ҳ.А. MODELS OF ECONOMIC GROWTH AND THE WAYS
OF THEIR USE IN MACROECONOMIC ANALYSIS**

In this article are discussed the issues of economic growth. There is compared modern classic, neoclassic and models of economic growth. As well there is illustrated opportunities and experiences of implementing this models in Uzbekistan, and analyzed achieved sustainable economic growth indicators.

Keywords: economic growth models, endogenous growth, gross domestic product, external debt, macroeconomic sustainability.

Иқтисодчи олимларнинг иқтисодий ўсиш омиллари-ни ўрганиш ҳамда унинг келгусидаги натижаларини башиборат қилиш борасидаги тадқиқотлари пировардида турли иқтисодий ўсиш моделларининг яратилишига олиб келди. Иқтисодий ўсиш моделлари ялпи ишлаб чиқаришинг узоқ муддатли кўпайиши тақлиф омилларига таянган ҳолда таҳлил этиш имконини беради.

Барча иқтисодий моделлар каби иқтисодий ўсиш моделлари ҳам реал жараёнларнинг абстракт ва соддалашган кўринишда, шартли тарзда графиклар ва тенгламаларда акс эттирилади.

Иқтисодиёт назариясида иқтисодий ўсишнинг қуидаги назариялари фарқланади:

- иқтисодий ўсишнинг янги кейнсча назариялари;
- иқтисодий ўсишнинг янги классик назариялари;
- иқтисодий ўсишнинг эмпирик назариялари;
- эндоген ўсишнинг янги назариялари (1-расм).

Ушбу йўналишлар доирасида иқтисодий ўсишнинг турли назарий моделлари яратила бошланди. XX асрнинг ўрталарида кейнчиликнинг макроиқтисодий мувозавнат назарияси асосида янги йўналиш, яъни неокейнчилик вужудга келди. Иқтисодий ўсишнинг динамик моделларини ишлаб чиқсан неокейнчилик вакиллари орасида инглиз иқтисодчиси Рой Харрод (1900-1978) ўз моделида ишчи кучи, аҳоли жон бошига даромад ва нақд капитал ўсиши ўртасидаги муносабатларни тадқиқ қилди¹. У миллий даромаднинг капитал сифимилик даражасини ифодаловчи «капитал коэффициенти» тушунчасини яратди. Р.Харрод капитал сифимилик мезонидан техника тараққиётининг иқтисодиётга таъсирини таҳлил қилишда фойдаланди.

Америкалик иқтисодчи, неокейнчилик йўналиши вакили Евсей Домар (1914-1997) ҳам Р.Харрод тадқиқотларидан бехабар ра-

вишда мутаносиб иқтисодий ўсишнинг бирор бошқачароқ моделини тақлиф этди. У Ж.М.Кейнснинг инвестициялар даромадни шакллантириш орқали талабни оширади, деган фикрига қўшимча қилиб, инвестициялар бир вақтнинг ўзида товарлар тақлифининг ошишига ҳам олиб келади, деб таъкидлайди². Е.Домар ва Р.Харрод моделларида иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи омил сифатида инвестициялар келтирилади, чунки улар мультиплектив таъсирга эга ва шунинг учун барқарор ўсишни таъминлайди. Ушбу моделда Ж.Кейнсдан фарқли ўлароқ тақрор ишлаб чиқариш жараёни узоқ муддатли давр динамикасида тадқиқ қилинган. Харрод-Домар модели бозор иқтисодиётининг ўз-ўзини бошқариш имкониятига эга бўла олмаслигини асослаб берди.

Ушбу моделни республикамиз иқтисодиётида қўллайдиган бўлсак, мустақилликнинг датлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда қатор изчил ислоҳотлар олиб борилиб, мамлакатда ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига ҳамда иқтисодий ривожланишга бевосита таъсир кўрсатаётган инвестицияларга катта эътибор бериди келинмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун инвестицияларни жалб қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Сўнгги вақтларда республикамизда инвестицион муҳитни соғломлаш-

² Ishmuxamedov A.E., Jumaev Q.X., Djumaev Z.A. Makroiqtisodiyot. – T.: «O’zbekiston yozuvchilar uyushmasining Adabiyot jamg’armasi nashriyoti», 2005. -141- b.

¹ Harrod-Domar Model. Anim Publishing, 2011. P. 21.

1-расм¹. Эндоген ўсишнинг янги назариялари.

тирувчи ва мустаҳкамловчи иқтисодий-сиёсий вазият тенденцияси ҳукм сурмоқда.

Иқтисодий ўсишнинг янги классик илк назариялари 1950-1960-йилларнинг чегарасида пайдо бўлди. Ўша даврда иқтисодий ўсиш суръатларини фойдаланилаётган қувватлар ҳисобига эмас, балки янги техникияларни жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ҳисобига жадаллаштириш муаммоси биринчи ўринга кўтарилиди. Бу йўналиш вакиллари (америқалик иқтисодчи Роберт Солоу ва инглиз

иқтисодчиси Жейм Смит ва бошқалар) назариясининг методологик асосини ишлаб чиқариш омилларининг классик назарияси ташкил этади. Маълумки, бу назарияда меҳнат, капитал ва ер ижтимоий маҳсулотни ҳосил қилишнинг мустақил омиллари сифатида талқин этилади².

Неоклассик назария вакили Роберт Солоу (1924 йилда туғилган) ўз моделида жамғармалар, меҳнат ресурслари ўсиши ва илмий-техник тараққиётнинг аҳоли турмуш даражаси ва унинг динамикасига таъсир

¹ Абдураҳмонов Қ.Х. ва бошқалар. Инсон тараққиёти. – Т.: «Иқтисодиёт», 2013. –39- б.

² Solow, Robert M. A Contribution to the Theory of Economic Growth. // Quarterly Journal of Economics 70 (February), 1956. P. 65–94.

қилиш механизмини аниқлади. Р.Солоунинг асосий холосаси шуки, узоқ муддатда иқтисодий үсиш суръатлари капитал қўйилмалар ошишига эмас, балки технологик ривожланиш омилига боғлиқ бўлади¹. Шундай экан, унингча доимий техник ривожланиш ва ресурслардан самарали фойдаланиш иқтисодий үсишнинг асосий омиллари ҳисобланади.

Дж.Мид модели ҳам неоклассик асосларга эга бўлиб, иқтисодий үсишни маржиналистик ёндашувлар орқали тушунтиради. Дж.Мид ўз концепциясини «Иқтисодий үсишнинг неоклассик назарияси» (1961 й.) номли китобида ифодалаган.

Дж.Мид меҳнат ва техник тараққиёт үсиш суръатларини доимий деб тахмин қилиб, қуйидаги холосага келди: иқтисодий үсишнинг барқарор суръатига капитал үсишнинг барқарор суръатлари ва унинг миллий даромад үсиш суръатлари билан тенглиги шароитида эришилади. Агар капитал ошишининг суръатлари миллий даромад үсиши суръатларидан ошса, унда бу жамғариш суръатларининг ўз-ўзидан пасайиш суръатларига олиб келади. Дж.Мид моделида давлат фақатгина пул-кредит сиёсатидан фойдаланилган ҳолда барқарорлаштирадиган вазифани бажаради. Фақатгина шу ресурсларнинг зарур бандлиги ва барқарор иқтисодий үсишни таъминлайдиган даромад ва жамғармаларнинг қайта тақсимлаш механизмини яратишига имкон беради.

Иқтисодий үсишнинг замонавий назариялари шаклланишига иқтисодий үсишга турили омилларнинг таъсирини ўрганишга йўналтирилган эмпирик тадқиқотлар улкан ҳисса қўшди. Бу соҳада изланишлар олиб борган энг йирик тадқиқотчилардан бири Эдвар Денисондир (1915-1992 й.й.). Америкалик иқтисодчи инсон омили таъсирини ўлчаш учун фақат иш кучи сонинигина эмас, балки меҳнат унумдорлигининг хо-

дим ёши ва жинси, маълумоти ва касбий тайёрғалик даражасига боғлиқлигини ҳам ҳисобга олган.

Э.Денисоннинг фикрига кўра, меҳнат унумдорлигининг иқтисодий үсишга таъсир қуйидаги жараёнлар натижасида рўй беради:

– технологик билимларнинг кенгайиши ёки ишлаб чиқаришни ташкил этиши тақомиллаштириш;

– «бой берилганни қоплаш», яъни тараққий этган давлатлар томонидан қолоқ мамлакатларга амалий билимларни тақдим этиш. Бу қолоқ мамлакатларга ривожланган давлатларнинг энг мақбул иқтисодий үсиш даражасига яқинлашиш имконини беради;

– ишлаб чиқаришнинг жисмоний омилларини жойлаштиришни яхшилаш ҳамда уларни энг юқори самара берадиган тармоқ ва минтақаларда қўллаш;

– иқтисодиёт кўламларини кенгайтириш, айни пайтда ишлаб чиқаришни ихтисослашни ривожлантириш ва миллий бозорларни ривожлантириш².

Пол Ромер (1955 йилда туғилган) ва Роберт Лукас (1937 йилда туғилган) 1980-йиллар охири ва 1990-йилларнинг бошларида Солоу моделидан қониқмаган ҳолда эндоген иқтисодий үсиш назариясини яратдилар. Бу назария технологик тараққиётни математик тушунтиришни назарда тутар ва ўз ичига ишчилар фаолияти самарасини оширадиган билим, малака ва қобилиятни ифодалайдиган инсон капитали тамойилини ҳам олган эди. Бошқа капитал шаклларидан фарқли равишда инсон капиталининг рентабеллиги үсиш тенденциясига эга бўлади³. Шунинг учун мамлакатнинг иқтисодий үсиши капитал тўпланган сари секинлашмайди ва иқтисодий үсиш суръатла-

² Абдураҳмонов Қ.Х. ва бошқалар. Инсон тараққиёти. / Дарслик. – Т.: «Иқтисодиёт», 2013. –40-6.

³ Ishmuxamedov A.E., Jumaev Q.X., Djumaev Z.A. Makroiqtisodiyot. – T.: «O'zbekiston yozuvchilar uyushmasining Adabiyot jamg'armasi nashriyoti», 2005. -142-b.

¹ Macroeconomics (eighth edition). N.Gregory Mankiw. 2013 by Worth publishers: 238

ри киритилаётган капитал турига боғлиқ бўлади. Инсон капиталини оширадиган омиллар сифатида эса таълим ва инновациялар келтирилади.

Агар барча моделларни умумлаштирган ҳолда ўрганадиган бўлсак, бугунги кунда айни бир моделнинг иқтисодиётда тўлиқ қўлланилаётганлигини кўришнинг иложи йўқ, деб ўйлаймиз. Кейнчилар бу борада иқтисодий ўсишни моделлаштиришда асосий эътиборни инвестиция ва давлат бошқарувига қаратса, неоклассиклар давлат бошқарувини инкор этган ҳолда барча ишлаб чиқариш омилларининг самарадорлик жиҳатларини устувор, деб ҳисоблашади.

Бизнинг фикримизча, бирор давлат ўз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш йўлида айни бир иқтисодий ўсиш моделини танламасдан, ўз мамлакатининг табиий, ижтимоий ҳамда иқтисодий салоҳияти, аҳолининг урф-одатлари, анъаналари ва менталитетидан келиб чиқсан ҳолда ўз иқтисодий ўсиш моделини ишлаб чиқиши лозимдир. Шундан сўнг бу мамлакат иқтисодиётининг турли хил ташки таъсирларга сезувчанлик даражаси камаяди ва жаҳон иқтисодиёти бўйлаб содир бўлаётган инқирозларга қарши чидамлилик даражаси етарлича юқори бўлади. Бунга яққол мисол сифатида мамлакатимиз Президенти томонидан ишлаб чиқилган ривожланишнинг «Ўзбек модели»ни келтиришимиз мумкин.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларнинг ҳар бир босқичида макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлаш асосий устувор вазифа этиб белгилаб келинди. Маълумки, макроиқтисодий барқарорлик мамлакатнинг ЯИМида намоён бўлади ва у давлатнинг иқтисодий қудратига баҳо беради. Агар мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари 2000-2003 йилларда 3,8-4,2 фоиз, 2004-2006 йилларда 7-7,3 фоиз, 2007-2008 йилларда эса 9-9,5 фоиз даражасида кузатилган бўлса, кейинги йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий


инқирози мазкур кўрсаткичга ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, ўсиш суръатларида бир оз пасайган бўлса-да, дунёдаги камдан-кам мамлакатларда кузатилаётган юқори ўсиш динамикасига эга (2-расм).

Юртимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида қўлга киритилаётган юксак натижалар, энг аввало, янгидан-янги замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши, бунинг таъсирида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг сезиларли даражада ортиб бораётгани, яратилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат турларининг кўпайиб, сифатининг тубдан яхшиланиб бориши, бир сўз билан айтганда, иқтисодиётимизнинг янгина мазмун ва моҳият касб этиб боришида мустақил тараққиёт йўлининг тўғри танлангани, амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат стратегиясининг ҳар томонлама пухта асосланган ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати энг муҳим ва асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу омиллардан ягона мақсад – юрт тинчлиги ва равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида жамиятимизнинг доимо ҳамжиҳат бўлиб келаётгани ўта мураккаб мустақил тараққиёт йўлини босиб ўтишда нақадар оғир синовлардан муваффақиятли ўтишга имкон яратди. Биргина мисол, 2008 йилда бошланган, бугунги кунга қадар салбий таъсир ва оқибатлари сақланиб қолаётган, кейинги йилларда ривожланган мамлакатларда ўзининг янги «хуружи»ни намоён этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози нафақат айрим мамлакатлар, балки дунёнинг деярли барча қитъаларида иқтисодий сиёсатнинг заиф жиҳатлари, айниқса, банк-молия тизимининг «мўрт» бўғинларини ошкор этиб қўйди.

Президентимиз жаҳон молиявий инқирози рўй берган дастлабки палладаёқ унинг таъсир даражаси, кўлами ва келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатларига етарли баҳо бериб, «жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш,

2-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда¹.



унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунилигига боғлиқ»², деб холоса чиқарган эди. Бундай ҳаққоний холосалар асосида Ўзбекистонда 2008 йилнинг ўзида Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилиб, унда белгиланган тадбирларни изчил равишда амалга оширишга киришилди.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва модернизация сиёсати қуйидаги ижобий натижаларга олиб келди:

- тўлиқ макроиқтисодий барқарорлик ва миллий иқтисодиётимизнинг юқори ўсиш суръатлари таъминланди;

- инфляция даражаси йилига 5,5-6,5 фоиздан ошмаган ҳолда сақланиб келинмоқда;

- миллий валютамиз барқарорлиги тобора ўсиб бораётган олтин-валюта захираси билан мустаҳкамланиб келинмоқда;

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. -6-6.

– Ўзбекистон Республикасининг жами давлат ташки қарзи бугунги кунда ЯИМнинг 15-18 фоизидан ошмайди. Бундай жами ташки қарз кўрсаткичи Жаҳон банкининг барча асосий мезонлари бўйича «жуда ўртамиёна» деб таснифланади;

- 2002 йилдан бери бюджет камомади ЯИМнинг 1 фоизидан ошмаган бўлса, 2005 йилдан бери профицит билан ижро этилмоқда;

- реал ЯИМнинг ўсиш даражаси охирги беш йил мобайнида 8 фоиздан юқори бўлиб келмоқда, жумладан реал ЯИМнинг ўсиш суръати 2010 йилда 8,5 фоизни, 2011 йилда 8,3 фоизни, 2012 йилда 8,2 фоизни, 2014 йилда 8,1 фоизни ва 2015 йилда эса 8 фоизни ташкил этди.

Холоса қилиб айтганда, сўнги йилларда республикамиз макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари бўйича ижобий натижаларга эришмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ЯИМи қарийб 5,5 баробардан зиёдга ошди. 2000-2015 йилларда қишлоқ хўжалигининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 30,1 фоиздан 16,6 фоизгача қисқаргани ҳолда, аксинча саноатнинг улуши мутаносиб равишда 14,2 фоиздан 24 фоизгача ошди. Бугунги кунда хизмат кўрсатишнинг ЯИМдаги улуши 54,5 фоизни ташкил қилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбир-

корликнинг иқтисодиётдаги аҳамияти йилдан-йилга ортиб бормоқда. Яратилаётган ЯИМнинг 56,7 фоизи айнан мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. Шунингдек, бизнес юритиш учун қулай муҳит, хорижий инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзларнинг кенг тизими, хорижий инвес-

тициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш яхлит тизими мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини оширишга ва бу орқали иқтисодий ўсиш суръатларини тезлаштиришга имкон бермоқда.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. -6-б.
2. Абдураҳмонов Қ.Х. ва бошқалар. Инсон тараққиёти. // Дарслик. – Т.: «Иқтисодиёт», 2013. –39-б.
3. Ishmuxamedov A.E., Jumaev Q.X., Djumaev Z.A. Makroiqtisodiyot. – Т.: «O'zbekiston yozuvchilar uyushmasining Adabiyot jamg'armasi nashriyoti», 2005. -141-b.
4. Harrod–Domar Model. Anim Publishing, 2011. P. 64.
5. Macroeconomics (eighth edition). N.Gregory Mankiw. 2013 by Worth publishers. P. 238.
6. Solow, Robert M. A Contribution to the Theory of Economic Growth. Quarterly Journal of Economics 70 (February), 1956. P. 65–94.
7. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси веб-сайти.